
Халқаро мусобақа совриндори муносиб тарзда кутиб олинди

Белорусияда карате бўйича МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида саралаш баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, яқунда бронза медалга сазовор бўлган Муҳаммаддиёр Обобакиров бугун Бағдод тумани ҳокимлиги мутасаддилари, “Самандарак” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳамда спорт жамоатчилиги томонидан муносиб равишда кутиб олинди.

Муҳаммаддиёр спорт билан болалиқдан буён муттасил шуғулланиб келади – тумандаги “Турсунмуҳаммаддиёр” спорт маркази тарбияланувчиси. Шу кунгача кўплаб нуфузли турнирларда қатнашган ва ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган ёш спортчи учун Беларусиядаги мусобақа жиддий синов ҳамда тажриба майдони бўлди.

Туман ҳокими ўринбосари Қаҳрамон Миртазақулов совриндор спортчини қутлар экан, бу муваффақият туман аҳолиси ва спорт жамоатчилигини бениҳоя севинтирганини алоҳида урғулади ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Бунда сўз олганлар, Муҳаммаддиёр ва унинг устозларига давомли ғалабалар тилашди, келгусида бундан-да нуфузли мусобақаларда зафарли одимларга умид билдиришди.

Маълумот учун: жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманимиз ёш спортчиларидан 83 нафари республика чемпионати ва кубоги, 7 нафари Жаҳон чемпионати ва кубоги баҳсларида ғолиб ҳамда совриндорлар сафидан ўрин олдилар. Шунингдек, 17 нафар умидли спортчимиз халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, 7 нафари – бронза, 7 нафари – кумуш ва 3 нафари олтин медалга сазовор бўлишди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-16 17:15:20